



ВОЯГА ЕТМАГАН ЖИНОЯТЛАРИ БЎЙИЧА СУД МУҲОКАМАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Бобокулов Сардор

Судьялар Олий мактаби тингловчиси

Мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқ-эркинликларини таъминлашда, шу жумладан жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини янада кучайтириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Жиноят ишлари бўйича суд муҳокамаси судга қадар бажарилган барча ҳаракатлар натижаси бўйича якуний хулоса қилувчи, шунингдек суриштирув, дастлабки терговда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш ёки уларни тўлдириш имконини асосий босқич ҳисобланади.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари бўйича ишларини юритиш тартиби ёши катталарга нисбатан юритилган жиноят ишларини судда кўришдан фарқ қилади. Чунки, жиноят қилгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш ўзига хос тавсифга эга ва унда шахснинг ижтимоий-ҳуқуқий мақоми ҳисобга олинган бўлиб, жиноят иши юритувининг умумий қоидалари билан бирга жиноят-процессуал қонунчилигининг махсус нормаларига асосланган иш юритишнинг ўзига хос шакли ҳисобланади. Шу сабабли ЖПКда мазкур тоифадаги ишларни юритишда оид нормалар алоҳида бобда (60-бобда) акс эттирилган ва унда бу тоифадаги ишларни кўриб чиқишнинг муҳим жиҳатлари белгиланган бўлиб, унда вояга етмаган судланувчининг процессуал ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кўшимча кафолатларини назарда тутадиган меъёрлар акс эттирилади.

Жумладан, мазкур тоифадаги жиноят ишлари бўйича суд муҳокамасида, ЖПКнинг 82,83,84-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар исботланиши керак. ЖПК 82-моддасига асосан ҳукм чиқаришда “1) жиноят объекти; жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар, 2) содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек Жиноят кодексида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлари; қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавfli оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, 3) жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги, 4) жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари, 5) айбланувчининг, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар белгиланганлиги, шунингдек, ЖПК 548-моддасида “вояга етмаган айбланувчининг аниқ ёши (туғилган йили, ойи, куни), вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлиги ҳолати, унинг



турмуш ва тарбияланиш шароитлари, катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлигини аниқлаши лозим.

Вояга етмаганнинг жиноятлари ҳақидаги ишни юритишда вояга етмаганнинг ўзига хос физиологик ривожланиш хусусиятларидан келиб чиқиб, улар ўз хатти-ҳаркатларининг аҳамиятининг ва натижаларини тўлиқ даражада англай олмайди. Шу сабабли ЖПКнинг 549-моддасида “Вояга етмаганнинг жиноятлари ҳақидаги ишни юритишда қонуний вакилнинг қатнашиши шарт. Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига суриштирувчи ёки терговчининг қарори бўйича вояга етмаган шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида биринчи сўроқ қилиш пайтидан бошлаб йўл қўйилади. Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига йўл қўйилганда унга ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлар тушунтирилади. Қонуний вакил ўз ҳаракати билан вояга етмаган шахснинг манфаатига зарар етказди деб ҳисоблаш учун асос бўлса, суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суднинг ажрими билан вояга етмаганнинг қонуний вакили ишда қатнашишдан четлаштирилиши мумкин. Бундай ҳолда вояга етмаган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш бошқа қонуний вакилга ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакилига топширилиши” кўрсатилган.

Бундан ташқари, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган нормалар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Оила кодексида, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларида ва бошқа бир қатор қонуности ҳужжатларида ўз ифодасини топиб, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни жинойий жавобгарликка тортишнинг ўзига хос тартиби, уларга жазо тури ва меъёрини тайинлаш юзасидан алоҳида қоидалар белгиланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини белгилаб берган асосий ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун ҳисобланиб, унинг қабул қилинишида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва халқаро ҳуқуқ нормалари асос бўлиб хизмат қилган.

Юқоридагиларга кўра, вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этиш сабаблари ёшига нисбатан оиладаги ва турмушдаги салбий таъсирлар, ёмон ҳулқли шахслар билан алоқада бўлиш, катта ёшдагилар томонидан ҳуқуқбузарлик ва турли ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиниши, зўрлик ишлатилиши ҳамда интернет ва ёт ғоя тарғиб этилаётган турли



видеофильмларни салбий таъсирларини камайтириш борасида қўшимча профилактик тадбирларни ишлаб чиқишни талаб этади.